

469 - عَنْ عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ أَبَا عُبَيْدَةَ بْنَ الْجَرَّاحِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِلَى الْبَحْرَيْنِ يَأْتِي بِحِزْبَيْهَا، فَقَدِمَ بِمَالٍ مِنَ الْبَحْرَيْنِ، فَسَمِعَتِ الْأَنْصَارُ بِقُدُومِ أَبِي عُبَيْدَةَ، فَوَاقُوا صَلَاةَ الْفَجْرِ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ انصَرَفَ، فَتَعَرَّضُوا لَهُ، فَتَبَسَّمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ رَأَوْهُمْ، ثُمَّ قَالَ: «أَطْنُتْكُمْ سَمِعْتُمْ أَنَّ أَبَا عُبَيْدَةَ قَدِمَ بِشَيْءٍ مِنَ الْبَحْرَيْنِ؟» فَقَالُوا: أَجَلُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: «أَبْشِرُوا وَأَمْلُوا مَا يَسُرُّكُمْ، فَوَاللَّهِ؛ مَا الْفَقْرُ أَحْشَى عَلَيْكُمْ، وَلَكِنِّي أَحْشَى أَنْ تَبْسُطَ الدُّنْيَا عَلَيْكُمْ كَمَا بَسِطَتْ عَلَى مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، فَتَنَافَسُوهَا كَمَا تَنَافَسُوهَا، فَتَهْلِكْكُمْ كَمَا أَهْلَكْتَهُمْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 4015، م 2961].

469. Амр ибн Авф Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Абу Убайда ибн Жарроҳни Баҳраиннинг жиясини олиб келиш учун жўнатдилар. У Баҳраиндан мол-ҳол олиб келди. Ансорийлар Абу Убайданинг келганини эшитишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан (учрашув) бомдод намозига тўғри келиб қолди. У зот қайтганларида олдиларидан чиқишди. У зот уларни кўргач, табассум қилдилар ва: **«Абу Убайда Баҳраиндан нимадир олиб келганини эшитибсизлар шекилли?»** дедилар. «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. У зот шундай дедилар: **«Хушнуд бўлинглар, сизларни хурсанд қиладиган нарсага умид қилинглр. Аллоҳга қасамки, мен сизларга фақирлик етишидан кўрқмайман, балки дунё сиздан аввалгиларга кенг қилинганидек, сизларга ҳам кенг қилинишидан, натижада улар кимўзар ўйнаганидек, сизлар ҳам кимўзар ўйнашингиздан ва улар ҳалок бўлганидек ҳалок бўлишингиздан кўрқаман».**

Муттафақун алайҳ.

Шарх: Саҳобаи киромларнинг кўпчилиги ўша пайтларда жуда ҳам камбағалликда, йўқчиликда ҳаёт кечиришар эди. Улар мол-дунёга ҳарислик қилиб эмас, балки ўта муҳтож бўлганларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келган мол-мулкдан бирор нима олмоқчи бўлишган эди. Шунинг учун улар бомдодни одатда ўзлари ўқийдиган маҳаллий масжидларда ўқимай, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўқишган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ушбу мол-мулкка ҳақдор бўлишларига, муҳтожликдан сўрашаётганига қарамай, дунёга берилишдан қайтармоқдалар.

Ушбу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мол-дунё кўпайиши сабаб умматлари ичида фитна тарқалиши, натижада, аввалги умматлар дунё талашгани каби дунё талашиларидан кўрқдилар. У зот умматларига фақирлик етишидан кўрқмадилар. Сабаби фақирлик – бу кўрқинчли ҳолат эмас. Хатарли ҳолат – бу бойлик, мол дунёнинг кўпайиб кетиши, мўминлар уни талашиб бир-бири билан қирпичоқ бўлишидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бежизга: «Сизларга сиздан олдиғиларга дунё кўпайгандек кўпайиб, уларни уни талашганидек талашиб кетишингиздан ва уларни ҳалок қилганидек сизни ҳам ҳалок қилишидан кўрқаман», деб айтмадилар.

Ҳадиси шарифдаги «Танаафус» калимаси ўзаро беллашиш, мусобақалашуш, талашуш деган маъноларни билдиради. Динимиз таълимотларида дунё учун мусобақалашуш қораланган. Зеро, дунё мусобақалашуш, талашуш тортишушга арзимайди. Қуръони Каримда мадҳ этилган мусобақалашушга келсак:

“Бас, мусобақачилар мана шу (неъмат) йўлида мусобақа қилсинлар!” (Мутаффифун сураси, 26-оят).

“Албатта, мана шу (жаннат неъматлари) улкан ютуқнинг ўзидир. Бас, айнан мана шундай ютуқ учун амал қилувчилар амал қилсинлар!” (Соффот сураси, 60-61-оят).

Ҳадиси шарифдаги «Танаафус» калимаси ортиқ бўлиш, миқдордан ортиш деган маъноларни ҳам билдиради. Одамлар дунёвий жиҳатда бир-биридан ортиқ бўлишга интиладилар. Кимдир уйини кўшнисининг уйдан баландроқ қилиб кўтаришни истайди. Кимдир дунёдаги улуши (насибаси) бошқалардан кўра кўпроқ ва мўлроқ бўлишини истайди.

Ҳадиси шарифнинг умумий маъноси шуки: «Сизларга сиздан олдиғиларга дунё кўпайгандек кўпайиб, уларнинг кўнгилларини дунё банд қилгандек, кўнгилларингизни дунё билан банд бўлиб қолишидан, уни талашганидек талашиб кетишингиздан ва уларни ҳалок қилганидек сизни ҳам ҳалок қилишидан кўрқаман»

“Эй иймон келтирганлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз

сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни, Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!” (Мунофиқун сураси, 9-оят).

Яъни: Эй, ҳақиқий иймон келтирган бандалар, қўлингиздаги мол-дунё, бойлик, мансаб-амал, шон-шухрат, фарзандлар ва уларнинг ташвиши сизларни Аллоҳга ибодат қилиш ва У Зотга итоат этишдан тўсиб қўймасин. Кимки Раббига ибодат қилишдан кўра дунё зийнати афзал кўрса, бас, ўшалар қиёмат кунида зиён кўргувчидир!

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI